O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№




# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● E-mail: info@xs.uz ● 2005 йил 25 март, № 59 (3604) Жума






## СУВ КЕЛТИРГАН АЗИЗ

*«Дамхўжа» сув ўзани Иштихондаги «Зарафшон» ирригация тизими ҳавза бошқармасига қарашли бўлиб, бу ердан ҳар секундда Қорадарё ҳамда «Миёнқол», «Дамариқ» каналлари, Алишер Навоий номли ва Каттақўрғон сув омборига борувчи каналларга 65-70 кубометр сув тақсимланади. Кейинги йилларда баҳор серёғин келаётганлиги сабабли, айниқса, Қорадарё суви Бешкапа, Сарсон, Бурҳон, Бойгали каби қишлоқларга хавф солаётган эди. Шунинг учун бошқарма жамоаси ушбу дарё қирғоқларида ҳашар усулида қурилиш ишларини олиб бораётир. Жумладан, соҳилларга сепоя ташланиб, шох-шабба ва тошлар билан мустаҳкамланаяпти. Муҳими, илгари Қорадарё суви 700 метрлик айлана ҳосил қилиб оқарди, тез орада у 350 метрдан тўғри оқиб ўтадиган бўлади. Шунда аҳоли сув тошқинидан мутлақо халос этилади.*

**СУРАТЛАРДА:** иш жараёнидан лавҳа; иш юритувчи Мансур Саидов қурувчилар билан суҳбатлашмоқда.

**Тоҳир НОРҚУЛОВ (ЎзА) олган суратлар.**

## Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасида

*Аввал хабар қилганимиздек, шу кунлари парламент қуйи палатасининг бўлиб ўтаётган мажлисларида қўмиталар раислари қонунчилик ҳамда назорат-таҳлил фаолиятларининг 2005 йилга мўлжалланган иш режаларини шакллантириш ва жорий йилда ўтказадиган тадбирлари тўғрисида депутатларга ахборот беришмоқда.*

22-24 март кунлари Қонунчилик палатасининг навбатдаги шундай мажлисларида Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси раиси А. Турсунов, Саноат, қурилиш ва савдо масалалари қўмитаси раиси И. Кочмарик, Аграр, сув хўжалиги масалалари ва экология қўмитаси раиси Т. Каримов, Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси раиси А. Зиё, Халқаро ишлар ва парламентлараро алоқалар қўмитаси раиси М. Тешабоев, Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси раисининг ўринбосари И. Толибов, Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси раиси Х. Дўстмуҳамедов ўз қўмиталарининг 2005 йилга мўлжалланган режалари лойиҳалари тўғрисида ахборот бердилар.

Мунозаралар чоғида депутатларнинг саволлари ва фикр-мулоҳазаларига батафсил жавоб берилди. Барча қўмиталар ва сиёсий партиялар фракциялари вакиллари иштирок этган фикр алмашувлардан сўнг маърузачиларнинг ахборотлари маълумот учун қабул қилинди. Қўмиталар раислари ва сиёсий партиялар фракциялари раҳбарларига қўмиталарнинг режаларини маромига етказиш ва тасдиқлаш ҳамда Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг 2005 йилга мўлжалланган фаолияти асосий йўналишларининг умумлаштирилган лойиҳасини тайёрлаш вазифаси топширилди.

Шундан сўнг Қонунчилик палатаси Девони раҳбари А. Иркаходжаев депутатларга Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Девони тўғрисидаги Низом лойиҳаси ҳақида ахборот берди. Депутатлар ушбу лойиҳага ўз таклифларини билдиришди. Қизғин ва узоқ давом этган муҳокамадан сўнг ахборот маълумот учун қабул қилинди.

**Зиёда АШУРОВА.**

## Йўловчиларга қулайлик

«Шоҳбекат-Тахтакўприк» йўналишида қатнай бошлаган тўртта троллейбус ҳаракати билан Наманганда жамоат транспортининг ушбу тури яна аҳолига хизмат кўрсата бошлади.

Вилоят ҳокимлигининг амалий ёрдами билан ўтган йил охирида электр транспорти соҳасини оёққа турғазиш ишлари бошлаб юборилди. Қисқа фурсат ичида 12 километр узунликдаги электр узатиш тармоғи, 3 та қувват трансформаторлари жорий таъмирдан чиқарилиб, ишга шай ҳолатга келтирилди.

**Қудратилла НАЖМИДДИНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.**

*Афина китоб галереясида грециялик шоир ва журналист, "Элефтерос Типос" газетаси ижодий ходими Петрос Кассиматиснинг "Мароқанд" шеърий китобининг тақдимот маросими бўлиб ўтди.*

## Мароқанднинг шеърий тимсоли

Мазкур тўпламни ёзиш ғояси муаллифда Ўзбекистонга ташриф буюрган кезлари пайдо бўлган. Грециялик журналист мамлакатимизда бир неча марта бўлган ҳамда унинг Бухоро, Самарқанд ва бошқа шаҳарларимиз ҳаёти ҳақидаги мақола ва очерклари эндиликда шеърий қиёфага эга бўлди. Унинг шеърларида узоқ ўтмиш, Абу Райҳон Беруний, Амир Темур, Мирзо Улуғбек, Искандар Зулқарнайн ва бошқа буюк сиймоларнинг ҳаёти ва фаолияти ҳақида фалсафий мушоҳада юритилган.

Тақдимот маросими Греция жамоатчилигида катта қизиқиш уйғотди. Унда таниқли жамоат арбоблари, сиёсатчилар, ёзувчилар, тарихчилар, таржимонлар иштирок этишди. Мамлакат парламенти вице-спикери Г.Сурлас, ички ишлар, жамоатчилик бошқаруви ва марказлашувга қарши вазири П.Павлопулос, маданият вазири ўринбосари П.Татулис ўз сўзларида "Мароқанд" тўпламининг Греция маданий ҳаётидаги аҳамияти хусусида фикр билдирдилар.

Китоб испан ва румин тилларига таржима қилинмоқда.

**"Жаҳон" АА.**

## Меҳнаткашлар манфаати — бош мезон!

*Кеча Ўзбекистон маданият ходимлари касаба уюшмасининг қурултойи бўлиб ўтди*

Унда Президент Ислом Каримовнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенати қўшма мажлисидаги маърузаси ҳамда Вазирлар Маҳкамаси янги таркиби иштирокидаги кенгашда сўзлаган нутқида баён этилган вазифалар ижросини таъминлаш масаласи муҳокама этилди.

Қурултойда уюшманинг 1999 йил декабридан 2005 йил мартига қадар бўлган даврдаги фаолияти ва тизимдаги касаба уюшма ташкилотларининг меҳнаткашларни ижтимоий-иқтисодий ҳамда ҳуқуқий манфаатларини ҳимоялашдаги устувор вазифалари ҳақида Марказий қўмита раиси Малика Жалилова маъруза қилди. Марказий қўмита ва назорат тафтиш комиссияси ҳисоботи бўйича сўзга чиққан делегатлар амалга оширилган ишларга баҳо бериб, галдаги долзарб вазифалар ҳақида атрофлича сўз юритдилар.

Қурултой қатнашчилари ташкилий масалаларни кўриб чиқиб, Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси IV қурултойига делегатлар сайладилар.

**Ўз мухбиримиз.**

# Ўзбекистон Республикасини ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг 2004 йилдаги асосий якунлари тўғрисида

***Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов томонидан белгилаб берилган иқтисодиётни эркинлаштириш ва иқтисодий ислоҳотларни жадаллаштириш борасидаги устувор йўналишларнинг амалга оширилиши Ўзбекистоннинг 2004 йилдаги ижтимоий-иқтисодий ривожланишида муҳим омил бўлди.***

***Республикада макроиқтисодий барқарорликни таъминлашни янада мустаҳкамлаш, иқтисодиётда хусусий секторнинг роли ва аҳамиятини ошириш, иқтисодиётнинг муҳим тармоқларида таркибий ислоҳотларни чуқурлаштириш, маъмурий ислоҳотларни ва ижтимоий соҳани ривожлантириш дастурларини амалга ошириш чоралари кўрилди.***

### I. Макроиқтисодий барқарорлик ва иқтисодий ўсишни жадаллаштириш

**Асосий макроиқтисодий кўрсаткичлар.** 2004 йилда Ўзбекистон иқтисодий ўсишнинг юқори суръатли босқичига қадам қўйди. Ислоҳотлар даврида илк бор ялпи ички маҳсулотнинг (ЯИМ) ўсиш суръати 7,7 фоизга етди ёки 2003 йилдаги кўрсаткичга нисбатан 3,3 фоиз кўп бўлди. Иқтисодиётнинг деярли барча соҳаларида жадаллашган макроиқтисодий ўсиш кузатилди, жумладан, саноатда – 109,4 фоиз, қишлоқ хўжалигида – 110,1 фоиз, пулли хизмат кўрсатиш соҳасида – 113,8 фоиз, қурилишда – 103,6 фоиз кўрсаткичлар қайд этилди.

**Ўзбекистон Республикасини ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий кўрсаткичлари**

*(Аввалги йилга нисбатан, фоиз ҳисобида)*

| | 2003 йил | 2004 йил |
|---|---|---|
| Ялпи ички маҳсулот | 104,4 | 107,7 |
| Саноат маҳсулотлари ҳажми | 106,2 | 109,4 |
| Истеъмол товарларини ишлаб чиқариш | 108,4 | 113,4 |
| Қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулоти | 105,9 | 110,1 |
| Қурилиш ишлари | 103,5 | 103,6 |
| Чакана савдо айланмаси | 105,1 | 104,7 |
| Аҳолига пуллик хизмат кўрсатиш | 107,9 | 113,8 |

**Солиқ-бюджет сиёсати.** Ҳисобот даврида хўжалик юритувчи субъектларнинг солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни ўз вақтида тўлаш, шунингдек, солиқ-бюджет маъмуриятчилигини оптималлаштириш, молиявий интизомни мустаҳкамлаш ишлари давом эттирилди. Натижада давлат бюджети даромад қисми йиллик прогнозга нисбатан 102,2 фоиз бажарилди. Давлат харажатларининг самарали бошқаруви таъминланиши туфайли давлат бюджети тақчиллиги мўлжалланган даражадан ошмади ва ЯИМга нисбатан 0,4 фоизни ташкил этди.

Йўл фонди бошқарув тизимининг ўзгартирилиши – унинг бевосита Молия вазирлигига бўйсундирилиши, Йўл фондига тўловларни йиғишнинг солиқ хизмати идораларига топширилиши бюджетнинг даромад ва харажатларини оптималлаштиришга самарали таъсир кўрсатди. Бу тасдиқланган прогнозга нисбатан 111,2 фоиз миқдорида даромад тушишини таъминлади. Пенсия фонди даромади мўлжалдагига нисбатан 101,3 фоизни ташкил этди.

**Пул-кредит сиёсати ва валюта бозорини эркинлаштириш.** 2003 йилнинг охирида экспорт-импорт операциялари бўйича конвертациянинг жорий этилиши натижасида 2004 йилда мамлакатимиз иқтисодиёти эркин валюта бозори шароитида фаолият юритди. Бу ишлаб чиқарувчиларнинг рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кенгайтиришида муҳим аҳамият касб этди.

2004 йилда Марказий банк ва тижорат банклари томонидан юритилган пул-кредит сиёсати миллий валютамизнинг барқарорлигини ҳамда инфляция жараёнларини мўлжалдаги кўрсаткичлар доирасида ушлаб турилишини таъминлади. Натижада йил якунларига кўра миллий валютамизнинг АҚШ долларига нисбатан девальвацияси 8 фоиздан, инфляция даражаси – 3,7 фоиздан ошмади.

2004 йилда Марказий банк макроиқтисодий барқарорликнинг эришилган кўрсаткичларини ҳисобга олган ҳолда, мунтазам равишда қайта молиялаш ставкасини 20 фоиздан 16 фоизга туширди. Бу эса иқтисодиётнинг реал сектори янада ривожланиши учун қулай асос яратди. Йил охирида кредит қўйилмаларининг умумий ҳажми йил бошидагига нисбатан 13,4 фоиз, жумладан, миллий валютада 22,6 фоиз ошди. Банк депозитлари бўйича тўланадиган фоизларнинг жозибадорлиги туфайли ўтган йили аҳолининг банкларга бўлган ишончи янада ортди. Натижада аҳолининг банклардаги омонатларининг умумий ҳажми 77,9 миллиард сўм (ёки 31,8 фоиз) кўпайди.

**Ташқи иқтисодий фаолият.** Республика хўжалик юритувчи субъектлари экспорт салоҳиятининг кенгайиши 2004 йилда иқтисодий ўсишнинг юқори суръатига эришишга ёрдам берди. Маҳаллий маҳсулотлар рақобатбардошлигини ошириш ва экспортга мўлжалланган маҳсулотлар ишлаб чиқарувчиларни доимий қўллаб-қувватлаш, шунингдек, замонавий технологиялар импортини рағбатлантириш натижасида 2004 йилда ташқи савдо айланмаси 2003 йилга нисбатан 29,6 фоиз ошди ва 8669,0 миллион АҚШ долларини ташкил этди. Экспортнинг умумий ҳажми 30,3 фоиз ўсиб, 4853,0 миллион АҚШ долларини ташкил қилди, бунда тайёр маҳсулот экспортининг ўсиши 52,6 фоизни ташкил этди.

Ташқи савдода эришилган ижобий сальдо 1037,0 миллион АҚШ долларига етди, бу 2003 йилдагига нисбатан 276,2 миллион АҚШ доллари кўп демакдир.

Қуйидаги маҳсулотлар экспорти ҳажми кўпайди: кимё маҳсулотлари (2 марта), энергия манбалари (1,7 марта), рангли ва қора металлар (1,7 марта), машинасозлик маҳсулотлари (1,6 марта). Озиқ-овқат маҳсулотларининг экспорти 1,8 марта ошди.

Хорижий инвестиция иштирокидаги корхоналарда ишлаб чиқариш ҳажми 2003 йилга нисбатан 24 фоиз ортди, умумий ишлаб чиқаришда уларнинг улуши 20,2 фоизни ташкил этди, экспорти эса 39,1 фоизга кўпайди.

### II. Иқтисодиёт реал сектори тармоқларини ривожлантириш ва таркибий ўзгаришлар

**Саноатни ривожлантириш.** 2004 йилдан мамлакатимиз иқтисодиётининг тез суръатлар билан индустриаллашуви кузатилмоқда (саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг ўсиши 109,4 фоизни ташкил этди), ЯИМда саноатнинг улуши 2003 йилдаги 15,8 фоизга нисбатан 2004 йилда 17,1 фоизни ташкил этди. Ижобий ютуқларга, асосан, машинасозлик ва металлга ишлов бериш, қора металлургия, ўрмон ва ёғочсозлик, шишасозлик ва чинни-фаянс, қурилиш материаллари саноатида тайёр ва маҳаллийлаштирилаётган маҳсулотлар ишлаб чиқаришни рағбатлантириш туфайли эришилди.

**2003-2004 йилларда саноат ишлаб чиқаришининг тармоқлар бўйича динамикаси**

*(Ўтган йилга нисбатан, фоиз ҳисобида)*

| Тармоқлар | 2003 йил | 2004 йил |
|---|---|---|
| Саноат маҳсулотлари | 106,2 | 109,4 |
| шу жумладан: | | |
| электр энергетикаси | 101,8 | 100,3 |
| ёқилғи саноати | 100,6 | 105,8 |
| қора металлургия | 109,1 | 128,5 |
| рангли металлургия | 99,0 | 105,0 |
| кимё ва нефть-кимёси | 105,2 | 104,5 |
| машинасозлик ва металлга ишлов бериш | 130,8 | 134,5 |
| ўрмон, ёғочни қайта ишлаш ва целлюлоза-қоғоз саноати | 100,0 | 117,1 |
| қурилиш материаллари саноати | 104,3 | 108,2 |
| енгил саноат | 106,2 | 105,2 |
| озиқ-овқат саноати | 106,8 | 104,7 |
| бошқа тармоқлар | 105,0 | 121,7 |

(Давоми 2-бетда).

# Ўзбекистон Республикасини ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг 2004 йилдаги асосий якунлари тўғрисида

(Давоми. Боши 1-бетда).

Суюлтирилган газ, кўмир, қора металлар прокати, пўлат, цемент ишлаб чиқариш ҳажми кўпайди. Бундан ташқари, солиқ ва божхона имтиёзлари бериш, халқ истеъмол товарларини ишлаб чиқарувчи корхоналар маҳсулотларини лицензиялаш ҳамда сертификатлаш тартибини соддалаштириш йўли билан **истеъмол товарларини ишлаб чиқаришни** рағбатлантиришга доир кўрилган чора-тадбирлар натижасида 2004 йилда бундай товарларни ишлаб чиқариш ҳажми 2003 йилга нисбатан 13,4 фоиз ошди.

Бунда ноозиқ-овқат товарлар ишлаб чиқариш 118,6, озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш 112,1 фоизни ташкил этди. Ноозиқ-овқат товарларнинг ишлаб чиқариш умумий ҳажмидаги улуши 48,2 фоиздан 50,4 фоизга кўпайди. Ҳисобот даврида енгил автомобиль (173 фоиз), совутгич ва музлатгич (123,3 фоиз), кондиционер (184,3 фоиз), телевизор (3,6 марта), ун (145,6 фоиз), гилам (140,2 фоиз) ва бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажми ошди.

**2003-2004 йилларда саноат маҳсулотлари айрим турларини ишлаб чиқаришнинг ўсиш динамикаси**

*(Йирик корхоналар бўйича)*

| Номи | Ўлчов бирлиги | Январь-декабрь | | |
|---|---|---|---|---|
| | | 2003 йил | 2004 йил | Ўсиш суръати, фоиз |
| Енгил автомобиллар | дона | 40505 | 70070 | 173,0 |
| Совутгичлар ва музлатгичлар | дона | 2513 | 3099 | 123,3 |
| Кондиционерлар | дона | 1628 | 3001 | 184,3 |
| Телевизорлар | дона | 14770 | 53516 | 3,6 м |
| Ун | минг тонна | 1019,1 | 1484,3 | 145,6 |
| Макарон маҳсулотлари | минг тонна | 16,8 | 18,5 | 110,1 |
| Гилам ва гилам маҳсулотлари | минг кв. метр | 5662 | 7940 | 140,2 |
| Цемент | минг тонна | 4062,5 | 4803,8 | 118,2 |
| Деразa ойнаси (2мм ўлчамдаги) | минг кв.метр | 6434,5 | 9982,1 | 155,1 |

**Реструктуризация ва молиявий соғломлаштириш** ишлари доирасида қайта ташкил этилаётган йирик саноат корхоналари фаолиятида самарали натижаларга эришилди. 75 объектнинг 56 таси ўртача ойлик ишлаб чиқариш ҳажмини оширди.

Умуман, ҳисобот йили давомида банкротликка дуч келган давлат мулки улушига эга 781 корхонадан 451 тасининг (57,7 фоиз) тўлов қобилияти тикланди. 100 корхонага нисбатан банкротлик амалиёти қўлланди, 29 корхона тугатилди.

Тугатилган корхоналарда янги мулкдорлар томонидан 75,7 миллиард сўмлик инвестиция дастури тайёрланмоқда ёки уни амалга ошириш ишлари бошланган, жумладан, қиймати 28,6 миллиард сўмга тенг асбоб-ускуна сотиб олиш режалаштирилган. 9 мингдан ортиқ иш ўрни ташкил этиш бўйича ишлар давом эттирилмоқда.

**Транспорт ва алоқа.** 2004 йилда барча турдаги транспортда юк ташиш ҳажми 2003 йилга қараганда 3,7 фоиз ошди. Умумий юк ташиш ҳажмининг асосий қисми қувур орқали ўтказиш (54,8 фоиз) ва темир йўл (27,9 фоиз) транспорти ҳиссасига тўғри келади.

Барча турдаги транспортда йўловчи ташиш ҳажми 2003 йилги кўрсаткичга нисбатан 10,7 фоиз ўсди. Йўловчи ташишнинг асосий қисми автомобиль транспорти улушига тўғри келди – 81,1 фоиз.

Алоқа хизматларининг умумий ҳажми 2003 йилга нисбатан 1,3 марта кўпайди. Алоқа хизматларининг умумий ҳажмида аҳолига кўрсатилган хизматлар 45,8 фоизга етди.

Уяли алоқа хизматидан фойдаланувчилар сони 75,5 фоиз кўпайди (аҳоли орасида 87,3 фоиз) ва 2005 йилнинг 1 январь ҳолатига кўра 571,6 минг абонентни ташкил этди. Уларнинг 491,6 мингтаси жисмоний шахслардир. Уяли алоқа хизматидан тушган даромад миқдори 2003 йилга нисбатан 1,5 марта ўсди.

**Савдо ва хизматлар.** Республика бўйича умумий чакана савдо айланмаси 4,7 фоиз ошди. Улгуржи савдо билан шуғулланадиган ташкилотлар иши фаоллашди ва уларнинг савдо айланмаси 2003 йилга қараганда 10,3 фоиз кўпайди.

2004 йилда аҳолига пулли хизмат кўрсатиш ҳажми республика бўйича 2003 йилга нисбатан 13,8 фоиз, шу жумладан, маиший хизмат кўрсатиш ҳажми 14,4 фоиз ошди.

**Таркибий инвестиция сиёсати.** Ўзбекистон иқтисодиётига инвестиция жалб қилиш учун қулай шароитлар яратиш ҳисобига 2004 йилда 2003 йилга нисбатан 5,2 фоиз кўп капитал қўйилма ўзлаштирилди. Республика бўйича молиялашнинг барча манбалари ҳисобидан жами 2473,2 миллиард сўмлик капитал қўйилмалар ўзлаштирилди.

Хорижий сармоядорлар фаолияти жадаллашди. 2004 йилда Инвестиция дастури доирасида 754,6 миллион долларга тенг хорижий инвестиция ва кредитлар жалб қилинди. Тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ва кафолатланмаган кредитлар миқдори 2 марта ошди.

Хўжалик субъектлари ва хорижий инвесторларнинг фаоллашуви натижасида ҳисобот даврида марказлаштирилмаган инвестицияларнинг салмоғи 68,2 фоизга етди, 2003 йилда бу кўрсаткич 64,4 фоиз эди, шу жумладан тўғридан-тўғри хорижий инвестиция ва кредитлар – 10,0 фоиз (2003 йилда 7 фоиз), тижорат банклари кредитлари – 2,3 фоиз (2003 йилда 1,8 фоиз), корхоналарнинг маблағлари – 43,2 фоизга (2003 йилда 41,1 фоиз) етди.

2004 йил давомида республикамизда Амударё устида улкан кўприк бунёд этилди, Келес шаҳридан Самарқанд шаҳри оралиғидаги 105 километрлик темир йўл реконструкция қилинди, Тошгузар-Деҳқонобод участкасидаги темир йўл линияси ишга туширилди, 500 кВ.лик "Сўғдиёна" подстанцияси, Толимаржон ИЭСда қуввати 800 МГт.лик блок, "Автоойна" АЖда автомобиль ойналари, "Фарм Глас" қўшма корхонасида шиша ампулалар, "Сайхунмедтекс" ҚКда тиббий трикотаж мато, "Новофарм плюс" ҚКда инъекция препаратлари ишлаб чиқариш бўйича янги қувватлар, 17 тўқимачилик саноати объекти, шу жумладан ип-калава ишлаб чиқариш бўйича "Берунийтекс" ҚК ва "Балиқчитекс" ҚК, тайёр тикувчилик маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган "Бурсель-Тошкент" ҚК каби йирик корхоналар фойдаланишга топширилди.

**Қишлоқ хўжалигидаги ислоҳотлар**. Қишлоқ хўжалиги корхоналарининг реструктуризация қилиниши, уларни кредитлашнинг янги бозор механизмлари жорий этилиши ва шартнома муносабатларининг такомиллаштирилиши қишлоқ хўжалигини жадал ривожлантиришга катта таъсир кўрсатди.

2004 йил якунларига кўра қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш 10,1 фоиз ўсди. 2003 йилга нисбатан пахта (126,1 фоиз), сут (106,2 фоиз), тухум (113,9 фоиз), гўшт (106,4 фоиз) етиштириш кўпайди.

**Фермер хўжаликларини ривожлантириш**. Ҳисобот даврида 326 ширкат хўжалиги негизида 15 мингдан ортиқ фермер хўжалиги ташкил этилди. Фермер хўжаликларининг умумий сони 103,9 мингга етди. Умумий экин майдонида фермер хўжаликларининг улуши 37 фоиздан 47,7 фоизга етди, пахта хомашёси етиштириш 37,9 фоиздан 51,7 фоизга, дон етиштириш 35,8 фоиздан 46,2 фоизга кўпайди.

Янги фермер хўжаликларининг ташкил этилиши, уларни рағбатлантириш механизмлари жорий қилиниши, ишлаб чиқаришнинг самарали ташкил этилиши ва фермер хўжаликларини молиявий соғломлаштириш чора-тадбирлари амалга оширилиши натижасида аввалги йилга нисбатан ўша ер майдонининг ўзида хўжалик юритишнинг турли шаклларида ҳосилдорликнинг ўсиши таъминланди: ғаллачиликда – 26,7 ц/га дан 33,1 ц/га гача (ёки 124 фоиз), пахтачиликда – 19,3 ц/га дан 24,4 ц/га гача (ёки 126 фоиз) ошди. Айни пайтда бир гектар ер майдонига дизель ёнилғиси ва минерал ўғитлар сарфи тегишли равишда 17,6 ва 12,1 фоиз камайди.

Зарар кўриб ишлаётган ширкатларни тугатиш ва хусусий фермер хўжаликларини ташкил этиш бўйича амалга оширилаётган ислоҳотлар қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқарувчиларнинг моддий-техника ресурсларидан тежаб-тергаб фойдаланишдан моддий манфаатдорлигини ошириш имконини берди, натижада 2003 йилга нисбатан 173 минг тонна дизель ёнилғиси, 49,7 минг тонна автобензин ва 84 минг тонна минерал ўғит (азотли) тежалди (умумий қиймати 89,1 миллиард сўм).

Янги ташкил этилган фермер хўжаликларига сервис хизмати кўрсатишни яхшилаш мақсадида ўтган йили 196 минибанк, 270 муқобил МТП, 95 қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари тайёрлов тармоғи ҳамда моддий-техника ресурслари билан таъминлаш, шунингдек, зооветеринария ва маслаҳат хизматлари кўрсатиш бўйича 837 ташкилот тузилди.

Фермер хўжаликларини тижорат банклари орқали тўғридан-тўғри имтиёзли кредитлашга босқичма-босқич ўтказиш амалиёти ўзини оқлади. Республиканинг имтиёзли кредитлашга ўтган 8 ҳудудида (78,6 миллиард сўм кредит ажратилди) фермер хўжаликлари молиявий барқарорлиги мустаҳкамланаётгани ва уларнинг тижорат банклари билан шериклик муносабатлари такомиллашаётгани кўзга ташланмоқда.

**Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш**. Қонунчилик базаси, кичик бизнес субъектларини солиққа тортиш ва имтиёзли кредитлаш тизимининг такомиллаштирилиши ялпи ички маҳсулотда уларнинг улуши 2003 йилдаги 35 фоиздан 35,6 фоизгача ортишига имконият яратди.

2004 йилда рўйхатга олинган кичик бизнес корхоналари сони 14 фоиз кўпайди ва 277,4 мингтага етди.

Тижорат банклари ва бюджетдан ташқари фондлардан кичик бизнес субъектларига 353,7 миллиард сўм, шу жумладан, 43,1 миллиард сўм микрокредитлар ажратилди. Ажратилган кредитларнинг умумий ҳажмида ўрта ва узоқ муддатли кредитларнинг улуши 70,3 фоизни ташкил этди. Бошланғич сармояни шакллантириш учун 8480 кичик бизнес субъектига банклар томонидан 9,3 миллиард сўм ажратилди.

Кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш туфайли ҳисобот даврида 427,6 минг янги иш ўрни ташкил этилди, бу 2003 йилдагидан 13,9 фоиз кўпдир.

## III. Ижтимоий соҳани ривожлантириш

2004 йилда иқтисодиётни ислоҳ қилишнинг асосий устувор йўналишлари бўйича чора-тадбирларнинг амалга оширилиши ижтимоий соҳа тармоқларини ривожлантиришга ва аҳоли турмуш даражасининг асосий кўрсаткичларини яхшилашга ижобий таъсир кўрсатди.

Иқтисодиётнинг барқарор ўсиши билан бир қаторда "Меҳр ва мурувват йили", хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, кадрлар тайёрлаш дастурлари, ҳукуматнинг бошқа қарорларига мувофиқ амалга оширилган мақсадли чора-тадбирлар мажмуи ижтимоий соҳадаги ижобий тенденциялар учун асос бўлиб хизмат қилди.

Ўтган даврда аҳоли фаровонлигини ошириш, бюджетдан маош оладиган давлат хизматчилари, нафақа ва пенсия олувчиларнинг ижтимоий мақоми ва моддий аҳволини яхшилаш бўйича муайян ишлар қилинди. Натижада аҳоли жон бошига ялпи ички маҳсулот 6,5 фоиз, бандлик 3,4 фоиз, реал пул даромадлари 16 фоиз кўпайди, давлат томонидан кам таъминланган оилаларга тўланадиган ёрдам ва нафақалар миқдори ортди.

"Меҳр ва мурувват йили" дастури доирасида аҳолининг ижтимоий кўмакка муҳтож қатламларига ёрдамни кўпайтириш, ҳудудлар тузилма ва жамоат ташкилотларининг меҳр ва мурувват тадбирларини ўтказишдаги фаоллигини ошириш, маҳаллаларда маънавий-ахлоқий тарбияни яхшилаш, оилаларда маданиятни юксалтириш ва соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш бўйича кенг кўламли ишлар бажарилди. Дастур ижросига 377,5 миллиард сўм йўналтирилди, бу маблағнинг 258,8 миллиард сўми бюджетдан, 118,7 миллиард сўми ҳомийлар томонидан ажратилди.

**Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини** амалга оширишнинг иккинчи босқичи вазифаларига мувофиқ олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизими ўқув муассасалари тузилмасини, уларнинг моддий-техника базасини замонавийлаштириш, ўқитиш жараёнини такомиллаштириш ва ресурс таъминоти бўйича ишлар давом эттирилди.

Ҳисобот даврида 12,3 минг ўқувчига мўлжалланган 11 академик лицей, 100,4 минг ўқувчига мўлжалланган 97 касб-ҳунар коллежи ишга туширилди.

Амалга оширилаётган 2004-2009 йилларда **Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастури** доирасида умумтаълим мактабларини қуриш, реконструкция қилиш, капитал ва жорий таъмирлаш бўйича 2004 йилга режалаштирилган ишлар бажарилди. Чунончи, дастурга кўра 2004 йилда 26 мактаб қурилиши белгиланган эди, амалда 28 янги мактаб бунёд этилди, белгиланган 4 мактабнинг барчаси реконструкция қилинди. 2004 йил учун режалаштирилган 430 ўрнига 432 мактаб капитал, 174 ўрнига 178 мактаб жорий таъмирдан чиқарилди. 19748 ўқувчи ўрнига эга умумтаълим мактаблари фойдаланишга топширилди, бу эса 2004 йил учун манзилли рўйхатда ва вилоятлар рўйхатида тасдиқланганидан 33,7 фоиз кўп демакдир.

Ижтимоий инфратузилмани жадал ривожлантириш давом эттирилди – 6178,6 минг кв.м. турар-жой, 1946,1 км. сув ва 2831,0 км. газ қувур тармоқлари ишга туширилди. 2004 йилда 678 аҳоли пунктидаги қишлоқ хонадонлари табиий ва суюлтирилган газ билан таъминланди, 741 қишлоқ аҳоли пункти аҳолиси тоза ичимлик сувидан фойдаланиш имкониятига эга бўлди.

## IV. Институционал ўзгаришлар

**Хусусийлаштириш дастурининг бажарилиши**. 2004 йилда хусусий тармоқнинг иқтисодиётдаги улуши ва аҳамиятини ошириш бўйича ишлар давом эттирилди. Мулкни давлат тасарруфидан чиқариш жараёнларининг жадаллашуви мазкур ишларнинг таркибий қисмларидан бири бўлиб, бунинг натижасида 2004 йилда 1841 давлат корхонаси, объектлари ва акциялари хусусийлаштирилди. Хусусийлаштиришдан тушган маблағлар 78,5 миллиард сўмни ташкил қилди, бу эса 2003 йилнинг тегишли даври кўрсаткичларига нисбатан 1,4 баравар ортиқдир.

Давлат объектлари ва акцияларининг хорижий инвесторларга сотилиши 46,3 миллион АҚШ долларига тенг бўлиб, инвестициявий мажбурият эса 24,7 миллион АҚШ доллари ва 4,1 миллиард сўмни ташкил этди.

Ҳисобот даврида хорижий шериклар томонидан 16,5 миллион АҚШ долларига ёки йиллик прогнознинг 103,4 фоизига тенг инвестициявий мажбуриятлар бажарилди. Инвестициявий мажбуриятлар тузилмасида 60 фоиздан кўпроқни жиҳозлар хариди ташкил қилди.

Ҳудудий танлов комиссияларининг қарорларига биноан нолга тенг бўлган қийматда 242 корхона ва объект 86,3 миллиард сўм, шунингдек, 9,5 миллион АҚШ доллари миқдорида сармоя киритиш шарти билан сотилди.

**Хусусийлаштириш, корпоратив бошқарув ва қимматли қоғозлар бозорини ривожлантириш дастурининг бажарилиши бўйича асосий кўрсаткичлар**

| Кўрсаткичлар номи | Ўлчов бирлиги | 2003 й | 2004 й | Ўсиш суръати (марта) |
|---|---|---|---|---|
| Хусусийлаштирилган корхоналар, объектлар, акциялар пакетлари ва улушлари миқдори, жумладан: | дона | 1698 | 1841 | 1,6 |
| Инвесторларга нол қийматда инвестициявий мажбурият билан берилган объектлар сони | дона | - | 242 | - |
| Хусусийлаштиришдан тушган маблағларнинг умумий миқдори | млрд. сўм | 56,0 | 78,5 | 1,4 |
| Хорижий инвесторлардан тушган маблағлар | млн. АҚШ доллари | 24,4 | 46,3 | 1,9 |
| Ўз молиявий аҳволини яхшилаган хусусийлаштирилган корхоналар | дона | 1303 | 1881 | 1,4 |
| Фонд бозорининг умумий айланмаси, жумладан: | млрд. сўм | 93,4 | 146,2 | 1,6 |
| Хусусийлаштирилган корхоналар акцияларининг айланмаси | млрд. сўм | 41,6 | 51,4 | 1,2 |
| Акцияларнинг иккиламчи бозордаги айланмаси | млрд. сўм | 20,8 | 52,9 | 2,5 |

**Иккиламчи фонд бозорини ривожлантириш**. 2004 йилда қимматли қоғозлар бозори, жумладан, иккиламчи бозори жадал суръатлар билан ривожланди. Фонд бозори айланмаси 52,8 миллиард сўмга ёки 1,6 марта ортди, жумладан, хусусийлаштирилган корхоналар акцияларининг бирламчи бозорда сотилиши 9,8 миллиард сўмга ёки 1,2 марта, иккиламчи бозорда эса 32,1 миллиард сўмга ёки 2,5 марта ошди.

**Маъмурий ислоҳотлар**. 2004 йилда давлатнинг иқтисодиётни бошқаришдаги ролини қисқартиришга қаратилган чора-тадбирлар мажмуини кўзда тутувчи маъмурий ислоҳотларни амалга ошириш бўйича кенг миқёсли ишлар қилинди. Ислоҳотларга мувофиқ давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг вазифа ва функцияларини қайта кўриб чиқиш жараёни асосан ниҳоясига етди. Асосий вазирликлар, идоралар ва хўжалик бирлашмалари бўйича ҳукуматнинг 49 та қарори қабул қилинди. Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини бошқаришнинг ортиқча бўғинларини қисқартириш мақсадида давлат ва хўжалик бошқарувининг 20 дан ортиқ органи тугатилди.

Маъмурий ислоҳотлар жараёнида 40 минг кишидан ортиқ бошқарув тизими ходимлари штати қисқартирилди, бюджет маблағлари 42 миллиард сўмдан ортиқ миқдорда тежалди.

**Моддий ресурсларни тақсимлашнинг бозор механизмларини жорий қилиш**. Маъмурий ислоҳотларни амалга ошириш доирасида 2004 йилда юқори ликвидли маҳсулотларни биржа савдоларида сотишнинг янги механизми жорий этилди. Тақсимлаш тизимидан воз кечиш аввал лимитланган 76 позициядаги маҳсулотни, жумладан, пахта толаси, мис, қора металлар прокати, дизель ёнилғиси, бензин, минерал ўғитлар, ўсимлик ёғи ва бошқаларни биржа савдосига чиқариш имконини берди.

Бунинг натижасида йил давомида биржа савдоларида товар айирбошлаш ҳажми 450 миллиард сўмдан ортди ёки 2003 йил даражасидан 1,6 марта юқори бўлди. Айни пайтда, юқори ликвидли маҳсулот улуши Ўзбекистон товар-хомашё биржасидаги умумий савдо ҳажмининг 75 фоизига тўғри келди. Бу эса умумий қийматда 2003 йилдаги тегишли даражадан 5,5 марта кўпдир. Республикадаги бевосита товар ишлаб чиқарувчиларнинг маҳсулотни биржа савдолари ва аукционлар орқали сотиши ҳисобига олган қўшимча даромади 14,9 миллиард сўмни ташкил этди.

***

Ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларнинг ҳозирги даврдаги устувор йўналишларининг амалга оширилиши туфайли 2004 йилда қуйидаги натижаларга эришиш учун замин яратилди:

**биринчидан,** барқарор иқтисодий ўсиш таъминланди, макроиқтисодий ва молиявий барқарорлик мустаҳкамланди. Ислоҳот йилларида илк бор ялпи ички маҳсулот ҳажми 7,7 фоиз ўсди;

**иккинчидан,** қатъий пул-кредит сиёсати олиб борилгани туфайли ислоҳот йилларида илк бор инфляциянинг энг паст даражаси — 3,7 фоизга эришилди, бу ўз навбатида аҳоли реал даромади 16 фоиз ўсишини таъминлади;

**учинчидан,** давлат мулкини сотишнинг янги, ўзгарувчан механизмлари жорий этилиши, хорижий инвесторлар билан ҳамкорликнинг фаоллашуви, йирик объектларни хусусийлаштириш сиёсатига ўтилиши иқтисодиётдаги хусусий тармоқ ролининг кенгайишига олиб келди;

**тўртинчидан,** қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини ташкил этиш тизими тубдан ўзгарди, унда фермер хўжаликлари етакчи аҳамият касб этди. Бу 2004 йилда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмининг 10,1 фоиз ўсишини таъминлади;

**бешинчидан,** маҳсулот экспортини кенгайтириш бўйича ижобий силжишлар кузатилди, экспорт ҳажми 30 фоиз ортди. Айни пайтда тайёр маҳсулот экспортининг ўсиши 52 фоиздан кўпроқ бўлди. Барча ташқи савдо операциялари бўйича бир миллиард АҚШ долларидан ортиқ ҳажмда ижобий сальдога эришилди;

**олтинчидан,** 2004 йилда кичик бизнес кўлами ва ҳажми сезиларли даражада ўсди. Кичик бизнес корхоналари сони бир йил ичида 14 фоиз кўпайди. Хусусий тадбиркорликни ривожлантириш эвазига ҳисобот йилида 427 мингдан ортиқ янги иш ўрни ташкил этилди, кичик бизнеснинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши ортиб, 2004 йил охирида қарийб 36 фоизни ташкил қилди;

**еттинчидан,** мамлакат иқтисодиётининг реал тармоғидаги инвестициялар ҳажми 5,2 фоиз кўпайди. Айни пайтда марказлаштирилган манбалар улуши анча қисқарди ва марказлашмаган манбалар улуши, биринчи галда, корхоналарнинг маблағлари кескин ортди. Жалб қилинувчи тўғридан-тўғри хорижий хусусий инвестициялар ва кафолатланмаган кредитлар ҳажмининг 2 баравар ортиши кузатилди;

**саккизинчидан,** давлатнинг иқтисодиётга аралашувини қисқартиришга йўналтирилган маъмурий ислоҳотларнинг амалга оширилиши давомида давлат бошқарув органларининг ортиқча вазифалари тубдан қайта кўриб чиқилди ва сезиларли даражада қисқартирилди, давлат органлари ва хўжалик бошқаруви органлари ўртасидаги ваколатлар аниқ ажратиб берилди, моддий ресурсларни тақсимлашнинг марказлаштирилган тизими бекор қилинди ва ликвидли товарларнинг биржаларда сотилиши кенг йўлга қўйилди.

2004 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожланиш борасида эришилган ютуқларни Халқаро валюта фонди, бошқа нуфузли халқаро ташкилотлар ва хорижий таҳлил марказлари эътироф этди. **Буларнинг барчаси Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов томонидан юритилаётган макроиқтисодий барқарорлик ҳамда иқтисодий ўсишнинг юқори суръатларини таминлайдиган иқтисодиётни янада эркинлаштириш ва таркибий ислоҳотларни жадаллаштириш сиёсатининг тўғрилиги ва самарадорлигини яна бир бор тасдиқлайди.**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИҚТИСОДИЁТ ВАЗИРЛИГИ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ СТАТИСТИКА ҚЎМИТАСИ**

*Бугуннинг гапи*

# БУНЁДКОРЛИК САОДАТГА ЭЛТАДИ

***Мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов шу йил 19 март — умумхалқ ҳашари куни пойтахтимиздаги қурилиш ва бунёдкорлик ишлари билан танишди. Жумладан, Ўзбекистон Миллий боғида амалга оширилаётган ободончилик ишлари, пойтахтимизнинг Эски шаҳар ҳудудида бунёд этилаётган бир қатор қурилиш объектларини бориб кўрди.***

***Юртбошимизнинг бундай эзгу қадамлари чуқур рамзий маънога эга. Мустақиллик йилларида она Ўзбекистонимиз буюк қурилиш майдонига айланди.***

Халқимиз азалдан орасталик, ободончиликни севадиган, бунёдкорликларни ҳаётининг асосий маъноси ва мазмуни деб биладиган бир халқ. Кўҳна тарих бу ҳақиқатни тасдиқлайдиган саҳифаларга бой. Босқинчиликларни кўп кўриб, ҳаёти гоҳи-гоҳида асос-асосигача барбод бўлган бу мамлакат мана шу халқ туфайли, унинг чўнг меҳнаткашлиги ва бунёдкорликлари туфайли қайтадан кўкарди, яшнади, гуллади, буюк меъморлик мўъжизаларини барпо этди.

Ҳатто бу халқ фарзандларини тақдир шамоли бошқа элларга учириб олиб борса, ўша ерларда ҳам улар ўз эзгу удумларини, ободончилик ва бунёдкорликларини давом эттирган. Дунё аҳли Ҳиндистондаги Туронзамин фарзандлари — бобурийлар барпо эттирган Тож Махал ёдгорлик мажмуини етти мўъжизанинг бири деб билади ва асрлардан-асрларга ҳайратланиб келмоқда.

Халқимизнинг бунёдкорлик даҳоси мустақиллик даврида янада кенг миқёсда намоён бўлди. Мана, ўн тўрт йил бўляптики, мамлакатимиз тубдан қайта қурилмоқда. У мислсиз бунёдкорликлар туфайли кун сайин янгиланиб, кўркам замонавий қиёфа касб қилаётир. Ўзбекистон ўтган қисқа давр мобайнида маҳобатли ва халқаро миқёсда салмоқли саноат корхоналарига эга бўлди. Бугун биз Асакадаги автомобилсозлик заводи, Бухородаги нефтни қайта ишлаш корхонаси, Қашқадарё воҳасидаги Муборак ва Шўртан газни қайта ишлаш гигантлари билан ҳақли равишда фахрланамиз. Улар истиқлол даврининг бунёдкорлик солномасида фахрли ўрин тутади.

Шу билан бирга, мамлакатимизда яқин ўтмишда кўримсиз, унутилган ҳудудлар бўлиб ўтган ерларда жаҳоншумул аҳамиятли, табаррук ва обод зиёратгоҳларни бунёд этдик. Улар бугун маънавий ҳаётимизнинг гўзал гўшалари ва хорижий сайёҳлар учун энг қизиқарли, сертаассурот манзиллар бўлиб қоляпти.

Бунёдкорлик бутун мамлакатни қамраб олган. Ҳатто кимсасиз саҳролар, чўллар бағрида бугун бунёдкорлик мўъжизалари қад ростламоқда. Мана, Уст-Юрт саҳроси. Ўзбекистоннинг энг чекка, кимсасиз ерлари. Бугун бу саҳрода Қўнғирот сода заводи кўкка бўй чўзмоқда. Яқинда у ўз фаолиятини бошлайди. Унинг экспорт учун мўлжалланган маҳсулотларига ўнлаб хорижий давлатлар кўз тикиб турибди. Бу саҳрода Элобод деб ном олган чиройли шаҳарча дунёга келди...

«Авесто»нинг бизгача етиб келган «Вендидод» китобининг ўн учинчи бобида шундай ҳикматли ибора битилган: «Ким ерга дон уруғи қадаса — у адолатни экkан бўлади». Халқимизнинг қонидаги туғма бунёдкорлик шундай ҳикматлардан бошланади.

Соҳибқирон Амир Темур бобомиз она шаҳри Шаҳрисабзда бунёд эттирган машҳур Оқсарой пештоқига: «Кимки қудратимизни кўрмоқчи бўлса — биз қурган биноларга кўз ташласин» деган сўзларни муҳрлатган. Бизнинг бунёдкорлигимиз мана шундай табаррук эътиқодлардан баҳра олади ва ривожланиб келмоқда.

Президентимиз бир неча йил бурун тарихчи олимлар билан қилган суҳбатида халқимиз ўтмишининг асл моҳияти тўғрисида ўз мулоҳазаларини баён этаркан: «Тарихимизнинг бош фалсафаси — бунёдкорликдир» деган ғоятда муҳим хулосани ўртага ташлаган эдилар. Ва бу фикр шунчаки хулосагина бўлиб қолмай, балки давлатимиз раҳбари томонидан мустақил Ўзбекистоннинг бугуни ва келажагининг бош йўли сифатида ҳам белгиланди.

Биз бунёдкорликлар йўлини танладик. Шу йўлдан боряпмиз. Бу йўлни келажак авлодларга ҳам мерос қилиб қолдирамиз. Бунёдкорлик — бу юртни, бу халқни энг ёруғ ва бахтли келажакка олиб боради.

**Михли САФАРОВ.**

## Фан ва ишлаб чиқариш

*Ҳар қандай мамлакат тараққиёти кўп жиҳатдан илм-фаннинг нечоғлик ривож топганига, мазкур соҳага қанчалик эътибор берилаётганига боғлиқ. Дунёнинг илғор давлатларида бўлгани каби республикамизда ҳам илм-фан бозор иқтисодиёти тамойиллари асосида қўллаб-қувватланмоқда. Халқ хўжалигининг кўплаб соҳаларидаги илмий лойиҳалар давлат бюджетидан маблағ билан таъминланаётир.*

*Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Фан ва технологиялар маркази айни шу йўналишда фаолият юритади. Давлат бюджетидан молиялаштирилаётган илмий лойиҳалар ва илмий-техник дастурлар бажарилиши бу ерда мунтазам таҳлил қилинади. Марказ фаолиятининг асосий йўналишларидан бири, бу — инновация лойиҳаларини бошқаришдир.*

*Хўш, инновация нима? У республика иқтисодиёти ривожида қандай аҳамиятга эга?*

# ИННОВАЦИЯ — БАРҚАРОР РИВОЖЛАНИШ ОМИЛИ

— Соддароқ қилиб айтганда, инновация — илмий-тадқиқотлар асосида яратилган янги маҳсулотларни ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш, — деди Марказнинг янги ахборот технологиялари агентлиги илмий раҳбари Исомиддин Абдураимов биз билан суҳбатда. — Бу нарса бирор технологик жараённи такомиллаштиришга қаратилган илмий фаолият натижаси ҳам бўлиши мумкин.

**— Илмий лойиҳалар устида иш олиб бориш, одатда, маълум вақт ва маблағни талаб этади. У кейинчалик ўзини қай даражада оқлайди?**

— Мутахассис олимлар фикрича, илмий-тадқиқот ва инновация лойиҳаларини амалга оширишга сарфланган харажат 5-7 йилда тахминан ўн баравар фойда бўлиб қайтади. Охирги йилларда дунёнинг етакчи мамлакатларида янги технологиялар учун жуда катта молиявий маблағ ажратилмоқда. Чунки улар пировард натижада катта фойда олишларини ва дунё бозорларида ўз ўринларини мустаҳкамлашларини амалда исботламоқдалар. Умуман, ривожланган мамлакатларда илмий лойиҳаларни бошқариш фаннинг янги соҳасига айланмоқда. Масалан, лойиҳаларни бошқариш бўйича АҚШда 20 дан ортиқ ассоциация ва жамиятлар фаолият кўрсатмоқда. Уларга 800 минг нафар мутахассис жалб этилган. Шу маънода, республикамизда ҳам лойиҳалар бошқаруви уюшмаси тузилса, бу борада мутахассислар тайёрлашга янада кўпроқ эътибор берилса, мақсадга мувофиқ бўларди. Албатта, ҳозирда бу борада муайян ишлар амалга оширилмоқда. Вақти келиб, улар ўз натижасини бериши шубҳасиз.

**— Инновация жараёнининг бозор иқтисодиёти муносабатларига таъсири қандай?**

— Бугунги кунда ҳамма соҳада рақобат мавжуд. Бу борада, айниқса, илмий-техник тараққиёт асосий таянч ҳисобланади. Негаки, илмий-тадқиқот натижасида яратиладиган маҳсулотлар ҳажмини ошириш, уларни такомиллаштириш рақобатга бардош беришнинг муҳим омилидир. Замонавий технология шарофати туфайли бозорда янги, арзон, сифатли маҳсулотнинг пайдо бўлиши ҳақиқий рақобатни юзага келтиради. Биргина мисол, APPLE компанияси шахсий компьютерларни бозорга чиқаргач, атиги бир йил ичида рақобатчилар сони ўнтага, саккиз йилдан сўнг беш юзтага етди. Кўриниб турибдики, ҳозирги тезкор даврда янги технологияларгина бозордаги аҳволни тубдан ўзгартира олади.

Айтайлик, бундан қирқ-эллик йил аввал бирор-бир технология ўртача 10 йилда эскирган бўлса, ўтган асрнинг 80-йилларига келиб, бу кўрсаткич икки йилга тушиб қолди. Бундай ҳолат корхоналарнинг ўз маҳсулотларини узлуксиз такомиллаштириб боришларини талаб қилмоқда. Янги технологияларнинг бозорга таъсирини янада чуқурроқ англаш учун қуйидаги жараённи кўз олдингизга келтиринг. Маълумки, бозорга янги маҳсулот чиққанда рақобатчилар ҳушёр тортади. Мутахассислар фикрича, дастлаб унинг 30-60 фоизи сотилади. Талаб кучайгач, бир неча ой мобайнида сотиш ҳажми янада ортади. Айни пайтда рақобатчилар ҳам кўпаяди. Бозор авжига чиққанда эса, худди шундай товар ишлаб чиқарувчи бошқа корхоналар аста-секин бозорни ташлаб чиқиб кета бошлайди. Чунки уларнинг товари рақобатга бардош бера олмади. Корхона ўз маҳсулотларини такомиллаштиришга етарлича эътибор бермагани туфайли шундай ҳолатга тушиб қолади.

Хуллас, дунё тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, рақобатда маҳсулотнинг янгилиги, қулайлиги ва таннархи асосий кўрсаткичлар саналади. Бунга фақат янги технологияларни яратиш, қўллаш, инновацияни ривожлантириш орқали эришиш мумкин. Инновация лойиҳаларини бошқаришнинг энг муҳим томони шундаки, у илм-фан, ишлаб чиқариш ва бизнеснинг яна бир оқилона уйғунлигини ташкил этади.

**— Демак, инновация фақат олимлар шуғулланадиган йўналиш эмас...**

— Албатта. Ишлаб чиқариш билан машғул ҳар қандай корхона бунга алоҳида эътибор бериши керак. Афсуски, кўпчилик корхоналарда бунга панжа орасидан қаралади. Ишлаб чиқарувчилар эса ўз маҳсулотларининг янада арзон, сифатли бўлиши учун олимлар олдига муаммони қўя билишлари, маҳаллий хомашёлардан фойдаланишнинг янги усуллари устида иш олиб боришлари лозим. Эътибор беринг: дунёдаги илғор мамлакатлар ҳар куни янгилик топиш, ўз маҳсулотларининг бошқалардан афзал бўлиши йўлида мунтазам изланадилар. Чехия ва Малайзияда лойиҳаларни бошқариш бўйича миллий дастур ишлаб чиқилган. Айниқса, Малайзия дастури юқори даражада мувофиқлаштирилганлиги билан ажралиб туради. Бу дастур қисқа вақтда янги технологияларни жорий этиш ва корхоналарни модернизациялаш йўли орқали мамлакат иқтисодиётини тез орада юқори кўтариш имконини яратди. Шунинг ўзиёқ инновациянинг нечоғлик аҳамиятга эгалигини тасдиқлаб турибди.

Фикримизча, республикамизда ҳам лойиҳалар бошқарувини ривожлантириш бўйича концепция ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқ. Бу иш, табиийки, инвестиция, инновация ва ижтимоий-иқтисодий сиёсат борасида тегишли мутахассис ва олимлар гуруҳининг ҳамкорлигини талаб қилади. Бунга эришилса, республикамизда илм-фан ютуқларининг ишлаб чиқариш соҳаларига татбиқ этилиши янада жадаллашади.

**Рустам БОЙТЎРА суҳбатлашди.**

# ЛОНДОНДАГИ АМАЛИЙ УЧРАШУВЛАР

*Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Ташқи алоқалар масалалари бўйича ахборот-таҳлил департаменти мудири У.Розуқулов бошчилигидаги мамлакатимиз делегациясининг Буюк Британияга сафари ниҳоясига етди. Делегация аъзолари Бирлашган Қиролликнинг давлат идоралари раҳбарлари ҳамда ишбилармон доиралар вакиллари билан учрашувлар ўтказиши баробарида "Ўзбекистонда бизнес қилинг" мавзуига бағишланган сармоявий конференция ҳамда Савдо ва саноат бўйича Ўзбекистон – Британия кенгашининг навбатдаги мажлиси ишида қатнашдилар.*

Халқаро ривожланиш бўйича парламент вазири Г.Томас билан бўлиб ўтган учрашув чоғида Британия томони минтақавий умумий бозорни барпо этиш юзасидан Ўзбекистон ташаббусини юқори баҳолади. Г.Томас Ўзбекистонда рўёбга чиқарилаётган иқтисодиётни либераллаштириш ва жамиятни демократлаштириш борасидаги ислоҳотлар жараёнининг ижобий натижалари икки томонлама ҳамкорлик муносабатларини янада чуқурлаштиришга кўмаклашишини қайд этди.

Лондон сити лорд-мэри М.Сэвори ўзбекистонлик меҳмонлар билан учрашувда сиёсий ва иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш йўлида мамлакатимиз эришаётган ўсиш суръатидан таъсирланганини қайд этар экан, икки мамлакатнинг суғурта ташкилотлари ва банк муассасалари ўртасидаги ҳамкорликни кенгайтиришни таклиф этди.

Буюк Британия экспорт кредитларини кафолатлаш бўйича департаментининг ижрочи директори П.Кроуфорд Ўзбекистоннинг ўтган йилдаги иқтисодий ривожланиши натижаларини юқори баҳолади, республикамизда яқинда ўз ишини якунлаган Халқаро валюта жамғармаси миссиясининг ижобий хулосаларидан қониқиш ҳосил қилганини изҳор этди.

Халқаро пахта ассоциацияси (ХПА) президенти Ф.Гробиен томонидан ўзбек пахтасининг юқори сифати эътироф этилар экан, жаҳон бозорида унга бўлган талаб катта экани таъкидланди. ХПА мутахассисларининг башорат қилишларича, бундай эҳтиёж истиқболда ҳам сақланиб қолади.

Ташриф дастури доирасида "Ўзбекистонда бизнес қилинг" мавзуида сармоявий конференция бўлиб ўтди. Анжуман ишида 140 дан ортиқ маҳаллий ва халқаро банклар, сармоя ва суғурта компаниялари, трансмиллий нефтегаз, энергетика ва тоғ-кон компаниялари, халқаро молия институтлари, шунингдек, Бирлашган Қироллик ҳукумати ва бошқа давлат муассасалари вакилларининг иштирок этгани Буюк Британиянинг мамлакатимиз билан ҳамкорлик қилишга нисбатан ошиб бораётган қизиқишининг ўзига хос ифодаси бўлди.

Шу куннинг ўзида Ўзбекистон делегацияси аъзолари Савдо ва саноат бўйича Ўзбекистон-Британия кенгашининг навбатдаги мажлисида иштирок этди. Унда икки томонлама, жумладан, минтақавий даражадаги савдо-иқтисодий муносабатларнинг бугунги аҳволи ва уларнинг кўламларини кенгайтириш истиқболлари муҳокама қилинди.

**Авазбек ҲОЖИМАТОВ,**
**"Жаҳон" АА мухбири.**
*Лондон.*

## Хабарлар оқимидан

### Қаршида «Зиёкорлар боғи»

Қашқадарё вилоятининг маркази — Қарши шаҳрида «Зиёкорлар боғи» ташкил этилди.

Наврўз байрами арафасида шаҳар мактабларининг ўқитувчилари ҳашарга чиқишиб, бўлажак боғда 2 минг туп қарағай кўчатларини ўтқаздилар. Шаҳарнинг кўп қаватли уйлари ёнида бўш қолган 5 гектар майдонни кўкаламзорлаштиришни халқ таълими тизими ходимлари оталиққа олишди.

Бу майдонга илгари ҳам бир неча марта кўчат ўтқазишган, лекин ёзда сув танқис бўлганлиги туфайли қуриб кетганди. Бу йил вилоят халқ таълими бошқармасининг ташаббуси билан кўчатларни парваришлаш, суғориш учун масъул ходимлар биркитиб қўйилди. Келгусида бу боғ ўқитувчилар дам оладиган ҳордиқ масканига айланади.

**Б. НОРҚОБИЛОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

### Иқтидорлилар сараланмоқда

Иқтидорли ва илмга интилувчан ўқувчиларни қўллаб-қувватлаш мақсадида ташкил этиладиган фан олимпиадаларининг республика босқичи бошланди. Унда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги умумтаълим мактаблари, академик лицей ва касб-ҳунар коллежларидан 593 нафар ўқувчи иштирок этмоқда. Улар ўзлари иштирок этаётган фан бўйича тест ва ёзма ишлар топширишади.

Янги Низом асосида ташкил этилган фан олимпиадаси якунлангач, биринчи учликни қўлга киритган ўқувчилар олий ўқув юртларига имтиёзли қабул қилиниш ва математика, физика, биология, кимё, информатика ва рус тили фанлари бўйича Халқаро олимпиадада иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритадилар.

**Қобил ХИДИРОВ,**
**ЎзДЖТУ талабаси.**

# Наврўз этади давом



Мамлакатимизнинг яқину йироғи, шаҳару қишлоқларида Наврўз шодиёналари давом этмоқда. Куни кеча "Оҳангароншифер" очиқ турдаги ҳиссадорлик жамиятида бўлиб ўтган кеча ҳам айнан Наврўзга бағишланди. Қарийб бир минг икки юз нафардан зиёд ишчи ва хизматчи меҳнат қилаётган ушбу корхона жамоаси учун дастурхон ёзилиб, баҳор таомлари тортилди. Корхонанинг мамлакатимиздаги иқтисодий бақувват корхоналар қаторига қўшилишида ҳар бир ходимнинг қўшган ҳиссаси эътироф этилиб, уларга байрам совғалари топширилди. Айниқса корхонанинг иқтисодий юксалишида хизмат кўрсатган меҳнат фахрийларига алоҳида эҳтиром кўрсатилди.



Республикамизнинг таниқли санъаткорлари ижросидаги куй қўшиқлар, айтишув ва баҳри байтлар кечага ўзгача шукуҳ бахш этди.



**СУРАТЛАРДА: Наврўз байрами шодиёналаридан лавҳалар акс эттирилган.**

**Абдуғани ЖУМА олган суратлар.**

## 2005 йил — Сиҳат-саломатлик йили

***Бугунги кунда мамлакатимиз фуқаролари саломатлигини асраш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан биридир. Асосий эътибор халқимизга кўрсатилаётган тиббий хизматни ҳар тарафлама яхшилашга қаратилган. Соғлиқни сақлаш тизимида тобора чуқур илдиз отаётган ислоҳотлар замирида жойларда аҳолига малакали тиббий хизмат кўрсатиш учун зарур шарт-шароит яратиш, муолажа сифати ва самарадорлигини ошириш, ҳар бир бемор ҳақида ғамхўрлик қилишдек эзгу ният мужассам. Бундай мақсадларни амалга оширишда давлатимиз томонидан қабул қилинган дастурий ҳужжатларда белгилаб берилган режаларни рўёбга чиқариш муҳим ўрин тутади.***

### Ташхис аниқ:

# ЛОҚАЙДЛИК

## Хоразм вилоятида аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш талаб даражасидами?

Бу борада Хоразм вилоятида қилинаётган ишлар ҳам эътиборга лойиқ. Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш дастурига асосан, Урганч шаҳар касалхонаси негизида 160 ўринли Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий марказининг вилоят филиали ташкил этилиб, замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланди. Шунингдек, 290 ўринли вилоят болалар шифохонаси тубдан таъмирланди. Бунинг учун 620 миллион сўмлик маблағ сарфланди, 122 миллион сўмлик замонавий тиббий асбоб-ускуналар шифокорлар ихтиёрига берилди. Япония гранти асосида 77 минг АҚШ долларилик тиббий асбоб-ускуналар келтирилди. Вилоят 1-сон клиник шифохонасига ҳам 1 миллиард 400 миллион сўм сарфланиб, мукаммал таъмирланди. Унга зарур замонавий тиббий анжомлар етказиб берилди.

Воҳада тиббиёт диагностикасини яхшилаш мақсадида вилоят ҳокимлиги ташаббуси билан замонавий компьютерли томограф келтирилиб, вилоят клиник шифохонасида кунига 30 нафар беморни кўрикдан ўтказадиган диагностика бўлими очилди. Бу ерда республика вилоятлари орасида ягона бўлган, энг замонавий тиббий ускуналар билан таъминланган 20 ўринли кардиожарроҳлик бўлими ҳам фаолият кўрсатмоқда. Вилоят туғруқхона мажмуаси мукаммал таъмирланиб ишга туширилгани ҳам диққатга молик ишлардан бўлди. Мажмуада тиббий асбоб-ускуналар етарли.

Вилоятда туман шифохоналарини таъмирлаш, уларни тиббий ускуналар билан жиҳозлаш ишларига ҳам катта эътибор қаратилмоқда. Хива, Шовот, Ҳазорасп, Боғот, Хонқа туманларида бу борада эътиборга лойиқ ишлар амалга оширилмоқда. Бугунги кунда вилоят бўйича 36 та шифохона, 137 та ҚВП ва бошқа ўнлаб тиббий муассасалар беморлар хизматида. Аксарият ҚВПлар шинам биноларга жойлаштирилгани, замонавий тиббий асбоб-анжомлар билан таъминлангани қишлоқ одамларини зарур ҳолларда шифо истаб туман марказига ёки шаҳарга қатнашдек мушкулотдан халос қилди.

Хўш, вилоятдаги шифохоналар кўркам ва шинам биноларга эга бўлаётган, замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозланаётган экан, соғлиқни сақлаш тизимида қандай ўзгаришлар рўй берди? Беморлар шифокорлар хизматидан кўнгли тўлиб, дардларига даво топиб кетишаяптими? Дори-дармонлар ўз вақтида етказиб берилаяптими? Беморларнинг озиқ-овқат таъминоти қандай? Аҳолига зарур пайтда тез тиббий ёрдам кўрсатилаяптими? Вилоят аҳолиси ўртасида турли касалликларга чалиниш камайдими, йўқми?!

Маълумки, Орол денгизининг қуриши, атроф-муҳитнинг ўзгариши, ичимлик сувнинг ўта шўрланиши ва ундаги ишқорнинг йўқолиб бориши оқибатида хоразмликлар ҳам бугунги кунда кўп азият чекмоқдалар. Бу, ўз навбатида, вилоят шифокорларидан ишга катта масъулият билан ёндошишларини талаб этади. Айниқса, ҳозирда вилоятда туғиш ёшидаги аёллар саломатлигини сақлаш ишларини қониқарли аҳволда, деб бўлмайди. Бултур оналар ўлими 2003 йилдагига нисбатан икки бараварга ортгани, гўдаклар ўлими камаймаётгани фикримизнинг исботидир. «Бехатар оналик» дастурига асосан, юртимизда она ва бола соғлиғини яхшилаш борасида зарур чора-тадбирлар кўрилаётган бир пайтда, Хоразмда бундай нохушликларнинг кўпайиши ачинарлидир. Бу, аввало, аҳоли, айниқса, аёлларнинг тиббий саводхонлигини ошириш, ҳомиладор аёллар шифокор назоратида бўлишини таъминлаш, оилада қиз болани оналикка руҳан ва жисмонан тайёрлаш ишлари талаблар даражасида олиб борилмаётгани, шифокорлар масъулиятсизликка йўл қўяётганидан далолат беради.

Оналар ва болалар саломатлигини сақлашда Вазирлар Маҳкамасининг «Оилада тиббий маданиятни ошириш, аёлларнинг соғлиғини мустаҳкамлаш, соғлом авлод туғилиши ва уни тарбиялашнинг устувор йўналишларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори муҳим дастуриламал бўлди. Вилоятда ана шу қарор ижросини таъминлаш қониқарли аҳволда, деб бўлмайди. 2003 йилнинг 4-чорагида Урганч шаҳрида ҳомила ва янги туғилган чақалоқлардаги туғма ва бошқа нуқсонларни аниқлашга хизмат қиладиган «Она ва бола» скрининг маркази иш бошлаши керак эди. Афсуски, марказ учун ажратилган бино ҳали-ҳануз таъмирдан чиққани йўқ. Марказ қачон ишга тушади? Ҳомиладор аёллар тиббий кўрикдан ўтиши учун 150-200 километр наридаги Нукус шаҳрига қатнаб, токайгача овораю сарсон бўлишади? Таассуфки, вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси мутасаддилари бу саволларимизга аниқ жавоб беролмадилар.

Ҳаётда ҳеч ким касал бўлишни истамайди. Ҳамма бир-бирига саломатлик тилайди. Лекин иссиқ жон иситмасиз бўлмас. Вилоятдаги туман шифохоналарида даволанаётган беморлар ҳам хаста бўлишни асло исташмаган. Лекин наилож? Дардманд киши малҳам истайди, шифокордан мадад кутади. Аммо баъзан касалхонага кўрпа-тўшак, идиш-товоқ кўтариб келишга, молини, рўзғоридаги буюмини сотиб, дори-дармон сотиб олишга мажбур бўлади. Қариндош-уруғлари кун сайин овқат кўтариб кўргани келиши керак. Бунга кўплаб мисоллар келтириш мумкин,

Вилоят соғлиқни сақлаш тизимига ўтган йили дори-дармонлар учун давлат бюджетидан 1124473 сўмлик, озиқ-овқат учун 1033788 сўмлик маблағ ажратилган. Ҳужжатларда улар юз фоиз ўзлаштирилгани қайд этилган. Аслида эса қаерга кетгани, беморлар ризқини кимлар қийгани номаълум.

Бугунги кунда вилоят бўйича қандли диабет касаллигига чалинган 3507 нафар бемор бор. Улар ҳар куни инсулин дорисини бепул олишлари керак. Бироқ баъзилари билан суҳбатлашсангиз, бу дорини дорихоналардан сотиб олаётганини айтиб, кўнгиллари оғрийди.

Вилоятда тез тиббий ёрдам машиналари ҳам етарли эмас. 2003 йилда «Саломатлик — 1» дастурига асосан, 12 та, бултур 2 та тез ёрдам машинаси олинди. Ҳозир жами 93 та машина беморларга хизмат қилаяпти. Бу анча кам. Амалда яна 31 та тез ёрдам машинасига эҳтиёж сезилмоқда. Қолаверса, тез ёрдам машиналарида беморларга тиббий хизмат кўрсатадиган шифокорлар, фельдшерлар биринчи тез тиббий ёрдам учун зарур ҳисобланган 22 хил дори-дармон билан таъминланишлари керак. Лекин, афсуски, улардаги дори-дармон 70 фоизни ташкил этади.

Ҳозир вилоят тиббиёт муассасаларида 3830 нафар шифокор ишламоқда. Ўтган йили улардан 689 нафари Тошкент ва Самарқанд шаҳарларида, 3 нафари Украинада малакасини ошириб қайтди, 248 нафари эса шу ерда, вилоятда тажриба ўрганди. Демак, шифокорларнинг учдан икки қисми ҳали малака оширгани йўқ.

2005 йил мамлакатимизда «Сиҳат-саломатлик йили» деб эълон қилинди. Шу муносабат билан эл саломатлигини мустаҳкамлашга доир янада кенг қамровли ишлар амалга оширилиши мўлжалланмоқда. Бу Вазирлар Маҳкамасининг яқинда матбуотда эълон қилинган «Сиҳат-саломатлик йили» давлат дастури тўғрисида»ги қарорида ҳам ифодасини топган. Вилоят шифокорлари ана шу ҳужжат талабларидан келиб чиққан ҳолда ўз фаолиятларига танқидий нуқтаи назардан ёндошсалар, йўл қўйилган хато-камчиликлардан тўғри хулоса чиқариб олиб, муаммолар ечимини топишга бел боғласалар, айни муддао бўларди.

**Ойбек РАҲИМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## Ислоҳот ва самара

*Бозор шароитида иқтисодий муносабатларнинг янги йўналишларини шакллантириш, хўжалик юритувчи субъектлар ўртасида ўзаро тўловларни амалга ошириш, молия-кредит амалларини бажариш асосида уларга кенг доирадаги банк хизматларини кўрсатишда молия муассасаларининг алоҳида ўрни бор. Республикамизнинг шундай йирик молиявий муассасаларидан бири — акциядорлик тижорат "Ғаллабанк"и ҳам, ўн йилдирки, ўз мижозлари сафини тобора кенгайтириб, уларга самарали хизмат кўрсатиб келмоқда. Ўтган йили у, айниқса, ўз капитал базасини мустаҳкамлаш, жумладан, акциялари бўйича даромадлиликни ошириш, кенг қамровли актив амалларини бажариш, корпоратив мижозлар, шунингдек, деҳқон ва фермер хўжаликларига замонавий технологиялар, техникалар, эҳтиёт қисмлар харид қилишлари учун кредитлар бериш ҳамда лизинг хизматлари кўрсатиш, халқаро молиявий ташкилотларнинг кредит линиялари асосида сармоялаш, аҳоли бўш пул маблағларини депозитларга, омонатлару қимматли қоғозларга жалб этиш, банкнинг корпоратив бошқаруви тизимини янада такомиллаштириш асосида янгидан-янги мижозлар жалб қилиш масалаларига алоҳида эътибор қаратди.*



# «Ғаллабанк»: ИЖОБИЙ ЎЗГАРИШЛАР ЙЎЛИДА

Ҳисобот йили давомида банк капиталининг адекват равишда ўсишига эришиш юзасидан доимий мониторинг ўрнатилган эди. Бунда муомалага чиқарилган X проспект эмиссияси асосида қўшимча 1 миллиард сўмлик акциялар самарали жойлаштирилганлиги ҳамда соф фойда ҳажмининг бизнес-режага мувофиқ ортиши таъминланганлиги банк умумий капиталининг барқарор ўсишига олиб келди. Хусусан, банкнинг умумий капитали, ўтган йил 1 январь ҳолатига кўра 13,3 миллиард сўмни ташкил қилган бўлса, бу кўрсаткич ҳисобот йилида 22,5 фоизга ўсди ёки 16 миллион 258,2 миллион сўмни ташкил этди. Жумладан, устав капитали 25 фоизга кўпайиб, акциядорлар сони 5263 тага етди. Муҳими, акциядорлар таркиби йилдан-йилга ўзгармоқда. Айтайлик, илгари банкнинг доимий мижозлари ва ҳамкорлари дон маҳсулотларини қабул қилиш ва қайта ишловчи корхоналар бўлган бўлса, бултур улар қаторига турли мулкчилик шаклидаги тадбиркорлик субъектлари, деҳқон ва фермер хўжаликлари, шунингдек, жисмоний шахслар ҳам қўшилди.

Банк умумий капиталининг барқарор ўсиши эса ўз навбатида кенг қамровли актив амалларини бажариш учун муайян иқтисодий замин яратди. Аниқроғи, молиявий муассасанинг кредит сиёсати талабларидан келиб чиқиб, банк активлари таркиби ва уларнинг даромадлилигини ошириш борасида амалга оширилган ишлар ўзининг ижобий натижасини берди. Хусусан, 2004 йил якунлари бўйича жами активлар 69,4 миллиард сўмни, умумий кредит қўйилмалари ҳажми эса 56,1 миллиард сўмни ташкил қилди. Кредит қўйилмаларининг қарийб 99 фоизи саноат ва қайта ишлаш каби иқтисодиётнинг реал соҳаларига йўналтирилди.

Хусусан, банкнинг корпоратив мижозлари бўлган дон маҳсулотлари корхоналарининг ишлаб чиқариш қувватларини ошириш, уларни замонавий технологиялар билан қайта жиҳозлаш мақсадида йўналтирилаётган инвестициялари самарали бўлмоқда. "Фарғонадонмаҳсулотлари", "Хоразмдонмаҳсулотлари", "Тошкентгуруч", Шаҳрисабздаги "Дон — халқ ризқи" акциядорлик жамиятлари ва "Денов-дунё" масъулити чекланган жамиятига ажратилган 5 миллиард сўмдан ортиқ кредитларни ана шундай инвестициялар қаторига қўшиш мумкин.



Шу ўринда мижозларнинг қўшимча молиявий ресурсларга бўлган эҳтиёжларини қондириш учун банк томонидан актив амалларининг икки томонлама манфаатли усулларидан фойдаланилганлигини алоҳида таъкидлаб ўтиш жоиз. Жумладан, 2004 йили банк томонидан 100 миллион сўмлик лизинг хизматлари кўрсатилиб, жами лизинг амаллари асосида жойлаштирилган маблағлар миқдори 500 миллион сўмга яқинлашди.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолиятини ҳар томонлама ривожлантириш, жумладан, уларни молиявий қўллаб-қувватлаш борасида ҳам бир қатор ижобий ишлар амалга оширилмоқда. Чунончи, якунланган йилда 1 минг 216 нафар тадбиркорга 5 миллиард 463,1 миллион сўм миқдорида кредитлар ажратилди. Бу маблағларнинг 4 миллиард 118,8 миллион сўми банкнинг ўз маблағлари, қолгани эса бюджетдан ташқари жамғармалар ҳисобидан берилди. Натижада кредитланган корхоналар ўз фаолиятларини тўғри йўлга қўйиб, импорт ўрнини босувчи ва экспортбоп маҳсулотлар тайёрлаб, ички бозорни тўлдиришда фаол иштирок этмоқдалар.

Шунингдек, кичик бизнес субъектлари, фермер хўжаликларига ажратилаётган кредитлар ҳажми имтиёзли кредитлаш жамғармаси маблағлари асосида кўпайтирилиб, уларнинг имкониятларини янада кенгайтириш, ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатиш салоҳиятларини ошириш учун қулай шарт-шароит яратиб келмоқда. Бюджетдан ташқари жамғармаларнинг кредит линиялари, айниқса, ўз фаолиятини эндигина бошлаётган тадбиркорларга қўл келмоқда. 2004 йилда уларга шундай жамғармалар ҳисобидан 1 миллиард 604 миллион сўмлик кредитлар берилди. Уларнинг асосий қисми узоқ муддатли кредитлардир.

Банк ва унинг филиаллари томонидан микрокредитлар беришга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ўтган йили бундай кредитлар миқдори 745 миллион сўмни ташкил этгани шундан далолат беради. Шу билан бирга, ҳисобот йили давомида 134 миллион сўмлик кредит бошланғич сармояларини шакллантириш мақсадида 164 та якка тартибда тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчиларга ажратилди. Пировардида барча манбалар ҳисобига берилган кредитлар эвазига 2125 та янги иш ўринлари ташкил этилди.

Маълумки, бугунги кунда фермерлар қишлоқ хўжалигида маҳсулот ишлаб чиқарувчи асосий куч ҳисобланади. Шуни эътиборга олиб, икки йил муқаддам тажриба сифатида республикамизнинг айрим вилоятларида давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган пахта ва ғалла етиштирувчи фермер хўжаликларини марказлашган тарзда бўнаклаш ўрнига тижорат банклари томонидан имтиёзли кредитлаш механизми жорий этилган эди. "Ғаллабанк" ҳам ушбу тадбирда фаол иштирок этиб, ўтган йили мазкур йўналишга 1 миллиард 943,7 миллион сўм миқдорида кредит берди. Бу йилдан бошлаб эса Қорақалпоғистон Республикаси ва барча вилоятлардаги фермер хўжаликларига имтиёзли кредитлар ажратилмоқда.

Айни чоғда банк фермерлар ҳамда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш билан шуғулланувчи кичик бизнес субъектларини молиявий қўллаб-қувватлаш мақсадида хорижий молиявий институтлар билан ҳам ҳамкорликни давом эттирмоқда. Масалан, Халқаро Тикланиш ва тараққиёт банкининг кредит линияси ҳисобидан Элликқалъа, Нишон, Марҳамат, Шеробод, Оҳангарон туманларида фаолият юритувчи фермер хўжаликлари ва қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишловчи мижозларни кредитлаш учун 1100 минг АҚШ доллари миқдоридаги маблағ берилган эди. Бу маблағ тўла ўзлаштирилди.

Мини банклар ҳамда жамғарма кассалари ташкил этиш масаласи ҳам банк жамоасининг диққат марказида турибди. 2005 йил 1 январь ҳолатига кўра, мини банклар 62 тани ва жамғарма кассалари сони 124 тани ташкил этди. Банк томонидан нафақат мазкур тармоқни кенгайтириш, балки мижозлар сонини кўпайтириш, уларнинг айланма маблағларини ошириш, ўз фаолиятини йўлга қўйган мини банкларни банкнинг тўлақонли филиалига айлантириш борасида ҳам аниқ тадбирлар амалга оширилмоқда. 2004 йилда банкнинг жойлардаги мини банклари томонидан жами 7 мингга яқин турли мулкчилик шаклидаги мижозларга самарали хизмат кўрсатилганлиги бунинг далилидир.

Аҳолининг бўш пул маблағларини банк айланмасига жалб этиш масаласига ҳам алоҳида эътибор берилмоқда. Бу, биринчидан, муомалага чиқарилган нақд пул массасининг банк айланмасига қайта жалб қилиш ёрдамида ушбу маблағлардан инвестиция мақсадларида фойдаланишни таъминласа, иккинчидан, аҳоли реал даромадларининг маълум даражада ўсишига хизмат қилади. Ушбу йўналишда "Ғаллабанк" ҳам фаол иштирок этмоқда. Аввало, аҳолига хизмат кўрсатувчи омонат шохобчалар тармоғини кўпайтириш ва уларни аҳоли учун қулай жойларда ташкил этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шу билан бирга, қулай ва ўзаро манфаатли 11 та янги омонат турининг амалда қўлланиши натижасида жисмоний шахсларнинг банкдаги омонатлари қолдиғи 2005 йилнинг 1 январь ҳолатига 5 миллиард 676,9 миллион сўмга етди ва бу кўрсаткич йил давомида қарийб 1,5 миллиард сўмга кўпайди.

Мазкур йўналишдаги ишларнинг янада самарали бўлишига, табиийки, муомалага чиқарилган қимматли қоғозлар, айниқса, жисмоний шахсларга мўлжалланган омонат сертификатлари ижобий таъсир кўрсатмоқда. Хусусан, биргина ўтган йилнинг ўзида 350 миллион сўмлик ана шундай омонат сертификатларининг IV эмиссияси қисқа муддатларда аҳоли ўртасида жойлаштирилди.

Кейинги пайтларда, шунингдек, молия муассасида пластик карточкаларни муомалага чиқариш борасида ҳам муайян ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, ҳозирги кунда пойтахтимиз ва Тошкент вилоятидаги 53 та корхона ишчи-хизматчиларининг иш хақларини пластик карточкалар орқали бериш, 100 га яқин терминалларни ўрнатиш юзасидан иш олиб борилмоқда.

Хулоса қилиб айтганда, бугун "Ғаллабанк" нафақат республикамиз иқтисодиётининг етакчи тармоғи агросаноат мажмуига, балки барча соҳаларда фаолият юритувчи мижозларга сифатли ва жаҳон андозалари даражасида хизмат кўрсатмоқда. Зеро, у шундай салоҳиятга эга бўлган ҳамда барқарор ривожланиш йўлидан бораётган тижорат банкларидан биридир.

### Факт ва рақамлар

**• Банкнинг устав капитали 5000 миллион сўмга, акциядорлари сони эса 5263 тага етди.**

**• Банк акциялари "Тошкент" республика Фонд биржасида жорий этилган листинг бўйича "А" гуруҳга киритилган.**

**• Банк активлари 69378,1 миллион сўмни, умумий капитали ҳажми эса 16258,2 миллион сўмга тенг.**

**• Жами кредит қўйилмалари 56113,9 миллион сўмни ташкил этиб, унинг 33195,3 миллион сўми қисқа муддатли ва 22918,6 миллион сўми ўрта ва узоқ муддатли кредитлар ҳисобланади.**

**• Банкнинг умумий мижозлари сони 56 000 дан ортди.**

**• Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш мақсадларига банк томонидан 2004 йил давомида жами 5463,1 миллион сўм миқдорида кредитлар ажратилди.**

**• Жалб этилган аҳолининг бўш пул маблағлари қолдиғи — 5676,9 миллион сўм бўлиб, амалда 11 дан зиёд омонат турлари мавжуд.**

**• Банкнинг филиаллар сони 32 та, мини банклар — 62, валюта айирбошлаш шохобчалари — 69, жамғарма шохобчалари сони эса 124 та.**

**• 2003 йил ва ўтган йилнинг олти ойлик якунлари бўйича "Ахбор-рейтинг" банклараро миллий рейтинг компанияси ўтказган рейтингда банк фахрли биринчи ўринни эгаллади.**

**• "Ғаллабанк" ҳамда Халқаро Тикланиш ва тараққиёт банки ўртасидаги ҳамкорлик натижасида "Қишлоқ хўжалиги корхоналарини қўллаб-қувватлаш лойиҳаси"нинг биринчи босқичида 500 минг АҚШ доллари, иккинчи босқичида 600 минг АҚШ доллари миқдоридаги маблағлар ўзлаштирилди.**

**• Банклараро тўлов интизомини янада такомиллаштириш, банк ахборотларини тезкор қайта ишлашни йўлга қўйиш асосида банк бошқарувнинг самарали усулларидан бири — "Ягона вакиллик ҳисоб рақами" тизимида ишламоқда. Бугунги кунда эса жамоада бошқарувнинг янада мукаммал бўлган "Ягона баланс" тизимига ўтиш бошланди.**

**• Жисмоний шахслар учун хорижий пул ўтказмаларини ташкил этиш мақсадида банк "Money Gram" компанияси билан ўзаро шартнома асосида иш юритмоқда.**

**• Банк томонидан жами 650 миллион сўмлик омонат ва 20 миллиард сўмлик депозит сертификатлари муомалага чиқарилди.**

**• Қимматли қоғозлар бозоридаги фаолиятини, мижозларга кўрсатилаётган хизмат турлари кўламини кенгайтириш учун банк акциядорлар рўйхатини юритиш ва депозитарий фаолияти бўйича хизмат кўрсатувчи "Прогноз Плюс" шўъба корхонаси билан ҳам ҳамкорликни йўлга қўйди.**

**• Европа Маркетинг ва тадқиқотлар маркази (EMRC) томонидан банк қишлоқ хўжалик соҳасини молиялаштириш борасида олиб бораётган ишлари натижалари учун "Агробизнес-2003" танловининг махсус мукофоти билан тақдирланди.**



## Сўз — мижозлар ва акциядорларга

**Мақсуд ҚОСИМОВ, "BEKAS-FOOD" масъулияти чекланган жамияти раҳбари:**

— Корхонамиз 1995 йилдан буён "Ғаллабанк"нинг мижози сифатида мазкур молиявий муассаса билан ҳамкорлик қилиб келмоқда. Банкнинг кредит маблағлари ёрдамида жамиятимизда бир кеча-кундузда 10 тонна нон, 500 килограмм булочка ва қандолат маҳсулотлари тайёрланмоқда. Ўтган йилни 11 миллион сўмлик соф фойда билан якунладик. Жорий йилда банкдан кредит олиб, Туркиядан нон ишлаб чиқарадиган замонавий янги технологик ускуналарни харид қилишни ва аҳолига сифатли маҳсулот етказиб беришни режалаштирганмиз.

Яна бир гап. Корхонамиз биносида "Ғаллабанк"нинг барча қулайликларга эга мини банки ташкил этилган. У бизнинг жамоамиздан ташқари, бошқа хўжалик юритувчи субъектларга, шунингдек, аҳолига ҳам самарали хизмат кўрсатмоқда.

**Рашид ДИЁРОВ, Шаҳрисабздаги "Дон — халқ ризқи" очиқ ҳиссадорлик жамияти раҳбари:**

— Бизга "Ғаллабанк"нинг Яккабоғ филиали хизмат кўрсатади. Унинг молиявий ёрдамида кўпгина ижобий ишларни амалга ошираяпмиз.

Хусусан, ўтган йили ишлаб чиқариш қувватини ошириш, тайёр маҳсулотларни қадоқлаш мақсадида замонавий ускуналар харид қилиш учун банкдан 350 миллион сўм кредит олгандик. Шу билан бирга, бизга яна бир қулайлик яратилди. Ҳозир корхонамиз биносида молиявий муассасанинг барча қулайликларга эга бўлган замонавий мини банки фаолият кўрсатмоқда.

Банкнинг хизмати фақат кредитлар бериш билан чегараланиб қолмасдан, балки бошқа корхоналар билан ҳисоб-китоб қилиш, турли молиявий масалалардаги маслаҳатлар фаолиятимизга ижобий таъсир кўрсатмоқда.

**Соҳибназар БОБОНАЗАРОВ, Гулистон туманидаги "Бобоназар" фермер хўжалиги раҳбари:**

— Хўжалигимиз ташкил этилгандан бери "Ғаллабанк"нинг Сирдарё вилояти филиали мижози ҳисобланади. Ишлаб чиқариш унумдорлигини ошириш, ортиқча сарф-харажатни камайтириш учун техника сотиб олиш мақсадида маблағ сўраб банкка мурожаат қилган эдик. Ўтган йил январь ойида 22 миллион сўм кредит ажратилгач, бу маблағга "Олтой Т-4" русумли ҳайдов тракторини плуги билан харид қилдик.

Жамоамиз ўтган йили давлатга 326,3 тонна пахта, 120 тонна ғалла сотиб, шартнома режаларини ортиғи билан уддалади. Йил якунига кўра, 38,4 миллион сўм фойда олдик. Ўз техникамиз бўлганлиги туфайли 7,5 миллион сўм иқтисод қилдик.

Жамоамиз бундан кейин ҳам ушбу банкнинг мижози бўлиб қолаверади.

**Турсунхўжа ИСКАНДАРОВ, Тошкент вилоятидаги Алишер Навоий номли ширкат хўжалиги бошқаруви раиси:**

— Хўжалигимиз асосан шоли ва ғалла етиштиришга ихтисослашган. Қисман пахта ҳам тайёрланади. Ўтган йили 5375 тонна шоли, 1120 тонна ғалла, 582 тонна пахта йиғиштириб олдик. Соф фойда 372 миллион сўмни ташкил этди. Бу фойданинг аксарият қисми аъзоларимизга дивиденд сифатида берилади, қолганига замонавий техника воситалари сотиб олинади.

Бундай юқори кўрсаткичларга эришишимизда "Ғаллабанк" Амалиётлар бошқармасининг ҳам алоҳида ҳиссаси бор, албатта. Ўз вақтида кредит ажратилиши, сифатли молиявий хизмат кўрсатилиши ва турли хил маслаҳатлар берилиши ютуқларимиз омили бўлмоқда.

Ширкат хўжалигимиз "Ғаллабанк"нинг акциядори ҳам ҳисобланади. 50 миллион сўмлик банк акциясига эгамиз. 2003 йил якунига кўра, шунинг ҳисобидан 11,6 миллион сўм дивиденд олдик.



**Банк матбуот хизмати.**

